



Сен дилбар чархисан, мунис сингилжон, Оламга ярашгай балки зар-зеблар, Мен чархинг дунда кетаётган хас. Сенга ярашгай балки зар-зеблар, Сенга ярашгай балки зар-зеблар, Сенга ярашгай балки зар-зеблар. Т. ХАМРОКУЛОВ олган сурат-лавҳаси.

ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури бир неча йилдан бери самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У кишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда, тармоқ ходимларини замонавий билим ва ахборотлар билан таъминлашда, иқтисодиётни юксалтиришда, сифатли ва мул маҳсулот етиштиришда унинг хиссасини кўшиб келмоқда. Яқинда ТАСИС дастурининг ТЕФАП лойиҳаси бўйича Тошкент агробиизнес коллежи хузурида Фермерларни ўқитиш ва ахборот билан таъминлаш маркази очилди.

Ўқув маркази бир неча шинам хоналардан иборат бўлиб, улар компьютерлар ва бошқа замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Бирни куриб фикр қил...

Қисқа муддатли курсларда бир йўла 25 киши таҳсил олиши мумкин. Фермерлар кишлоқ хўжалигига оид ахборот, янгилик, билим ва тажрибалар билан таништириб борилади. Марказ бир йилгача ТАСИС дастури томонидан маблағ билан таъминлаб турилади. Кейинчалик курсатилган хизмат учун пул олиниб, хўжалик хисобидagi ташиқлотга айлангиларилади.

Қаҳ ТАСИС дастурининг ТЕФАП лойиҳасига кура Самарқанд механика-иқтисодиёт коллежи қошида ҳам ана шундай марказ очилди. ТЕФАП-II лойиҳаси раҳбари, жаноб Вальтер де Оливейра берган маълумотга кура ана шундай ўқув марказлари яқин кунларда Наманган вилоятидаги Турақурғон механика-иқтисодиёт коллежида, Қорақалпоғiston Республикасининг Турткул агробиизнес коллежи хузурида ҳам очилади. Ушбу ўқув марказлари минтақавий бўлиб, уларда қўшни вилоятлардан келган фермерлар ҳам таълим оладилар. Ҳосил КАРИМОВ.

МОЛ-ДУНЁ КИШИНИ УЛУГЛАМАЙДИ...

- Қўпича бадавлатликдан келиб чиқадиган ноҳушлиқлар камбағаллик келтирадиган азоблардан минг чандон оғиб тушади.
- Наслида гадоё ўтмаган подшоҳ ҳамда зотида подшоҳ ўтмаган гадоё бўлмаган.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

- Дунёнинг ишлари: Мол-дунё деганлар Дунё кетидан, Дунё эса Худод деганлар кетидан югуриб юрибди.
- Мол-дунё кишини улуғламайди ва камбағалликдан унинг даражаси пасаймайди.
- Ғарибни калака қилмагин!
- Марҳумнинг уйдан чиқиб, бирровникига бормагин!
- Чумолининг ва қушларнинг уясини бузмагин!

«Тафаккур гулшани» тўпламидан.

ЁНГОҚ

Ёнғоқнинг турган-битгани «хазина» дейишади. Унинг сулим салқин соясида тортиб, туйилми ва шифобахш мағзигача, метин ёнғоқдан баргигача фойдалидир. Ёнғоқнинг таркибида ёғ, 21 фоиз оксил, 7 фоиз атрафида углеводлар, куп микдорда витамин С (1000 — 3000 мг фоиз), витамин В, В1 ва каротин мавжуд. Булардан ташқари ёнғоқ мағзида минерал тузлар ва микроэлементлар ҳам бор. Кук қобигида 25 фоиз, баргида 12 фоиз танид моддаси ҳамда 0,1 фоизгача эфир мойи сақланади. Баргларидан яғлон, тез оксидланадиган гидроюғлон, флавоноид гиперозид, куп микдорда витамин С бўлади. Юғлон деб номланувчи мода бактерияцид хусусиятга эга.

ҳолда қулоқ ичи йирингланганда томизган. Ёнғоқ пустилогидан тайёрланган қайнатмани бачадондан қон кетишини тўхтатишда ва гижжа ҳайдовчи омил сифатида тавсия этган.

Ёнғоқнинг мағзи эндигина сут йиққан пайтида ниҳоятда фойдали бўлади. Бу даврда унда витаминлар кўпаяди. Шу боисдан ҳам ёнғоқнинг ҳали тула пишмаган мевасидан саноат миқсидан витаминли концентратлар олинади.

Ревматизм, рахит ва тери касалликларидан ёнғоқ баргларидан тайёрланган қайнатмани ванна жуда фойдалидир.

Ёнғоқдан тайёрланган доридармон сифатида симоб таъсирида пайдо бўлган яраларни даволашда, миллар бушашиб кетганида тавсия этилади.

Ёнғоқ баргининг ажойиб хусусиятларидан яна бири уларнинг турли ҳашарот ва қуяларга қирон келтирувчи ис чиқаришидир.

«Шифобахш неъматлар» китобидан).

Табиат шифохонаси

АСАЛАРИ БОЛ ЙИҒГАНИДЕК...

Тошкентда, ардоқли болалар шоири, ўзбек-қирғиз адабиётининг фаол тарғиботчиси, «Дустлик» ордени соҳиби Турсунбой Адашбоев хонадонидан булганимда бир китобга тасодифан қўлим тушиб қолди. Уағга хос тарзда безалган, чиройли бу китоб «Аския» деб аталар, китоб тепасига «Ҳасанбой Султонов» деб ёзилган эди.

фис қочирим, дилбар лутф, ҳаётнинг гоятда нозик нуқталарини чуқур англаш, ўзбек тилидаги ҳар бир сўзнинг минг бир жилвасини билиш лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда аския, қизикчилик купрок Фарғона водийси, хусусан Кўқон, Марғилонда айниқса, ривожланганлигини эътироф этиш керак.

хон кўнглига чироқ ёқади... Шу билан биргаликда китобда баъзи бир жузъий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу бизнингча, муҳаррирнинг бирозгина эътиборсизлиги туфайли руй берган, китобнинг жиндакина таҳрир, ишлов билан изга тушадиган «жойлар»дир. Масалан, «Аския сарғуашлар» дейилиб остига қавс ичидан «Ҳасанбой Султонов ҳикояларидан» деб қўйилиши бу изохнинг ортиқчилигини шундоққина курсатиб турибди. Шунингдек, баъзи уринларда китоб муаллифи ҳақида сўз бориши ҳам... Қолаверса, китоб охиридаги «Китоб муаллифи Ҳасанбой Султонов ҳақида» мақоласидан кейин газета муҳбирларининг «Аскиячи Ҳасанбой Султонов билан мулоқоти» берилгани ҳам ортиқчадек...

Бу китобни уқидингизми?

Китобда, Гафур Гулом тили билан айтганда «халқ кулгисининг энг ихчам, энг тайёри, энг ўткири, энг ёқимтойи, энг нозиги» бўлган аския жанрида ижод қилиб, айни кунларда устозлар анъанасини давом эттираётган Утамжон Юсупов, Гивисиддин Абдураҳмонов, Акрамжон Исанқулов, Йўлдошхон Носиров, Неъматжон Тошматов, Мансуржон Оқунов, Мамасиддик Шираев каби унлаб аскиячилар ҳақида маълумот бериш билан бирга, улар ижодидан намуналар келтирилган.

Китобнинг «Аския оламига савдат» бобида берилган «Аскиячилар ҳақида» хангомалар, «Аския пайрвлари» ҳам китоб-

Китоб муаллифи таъкидлаганидек, «аския ҳар кимнинг ҳам идроки етавермайдиган нозик сўз санъати. Унда на-



Бухоро туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган «Пахтаёй» болалар боғчасида 80 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Боғча фаолиятдан ота-оналар ҳам, болалар ҳам хурсанд. СУРАТДА: ҳамшира Музама Тўхтаева кичкинтойни тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Х. КУРБОНОВ олган сурат.

КЎЧМАС МУЛК ТАДБИРКОРЛАР ТАСАРРУФИДА

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят филиалларида ўтган ҳафтада 17 мартаба савдо бўлиб ўтди. Уларнинг 11 таси кимошди, 6 таси биржа савдоларидир.

Мулк эгаси бўлишни истовчи ишбилармон ва тadbиркорларга ер майдонлари, қурилиш тугалланмаган бинолар, АЕКШлар, банкрот бўлган корхоналар мулклар, урта ва кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари, уй-жой, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик, «Ўзметасабзотузумсаноат-холдинг» компанияси тасарруфидаги кўчмас мулклар, автоуловлар ва бошқа бир қанча мулклар тақриф қилинди.

Хафта давомида бошлангич баҳоси 45 млн. 964 миң сум бўлган 198 та турли кўчмас мулклар ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 52 млн. 895 миң сумдан иборат бўлди. Шундан ҳафта давомида кимошди савдолари орқали бошлангич баҳоси 16 млн. 32 миң сум бўлган 132 та

Биржада нима гап?

мулк 22 млн. 773 миң сумга, биржа савдоларида эса 66 та мулк 30 млн. 122 миң сумга сотилди. Мазкур ҳафтада сотилган объектлар сон буйича Фарғона вилояти филиали юқори курсаткича эришди. Ушбу вилоят филиалида ўтган ҳафтада бошлангич баҳоси 8 млн. 288 миң сум бўлган 62 та мулк 11 млн. 29 миң сумга сотилди.

Сотув пули буйича эса биринчи ўринга Биржанинг Тошкент вилояти филиали чиқди. Пойтахт вилояти филиалида ушбу ҳафтада 32 та мулк 20 млн. 508 миң сумга сотилди. Шунингдек, Тошкент вилояти филиалида ҳафтанинг энг йирик олдидан-сотиш шартномаси имзоланди. Юқори Чирчиқ туманидаги нодавлат Техник хизмат курсатиш шохбчаси 7 млн. 175 миң сумга сотилди. Мазкур ҳафтада Биржанинг Самарқанд вилояти филиалида 43 та мулк 7 млн. 849

Бош муҳаррир
Ўткир
РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзметасабзотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агрорасаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 136-56-26, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят муҳбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Корхона мензияк «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-ўй.

«Кишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.